

ЯПОН ОЛИМИ КЮДЗО КАТО МЕРОСИ



Худойбердиев Рахим Бахтиёрович¹

¹ Денов тадбиркорлик ва педагогика институти «Тарих ва фалсафа» кафедраси I-курс таянч докторанти

Холиков Зокир Эшболтаевич²

² Тарих фанлари бўйича номзоди, доцент тақризи асосида

МАҚОЛА МА'LUMOTI

АБСТРАКТ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 07.10.2024

Revised: 08.10.2024

Accepted: 09.10.2024

Уибду мақолада Эски Термизнинг ёдгорликларини илк маротаба ўрганган япониялик таниқли этнолог, этнограф олим Като Кюдзо ҳаёти ва илмий ишлари ҳамда археологик жиҳатдан ўрганганланлиги ҳамда Эски Термизда олиб борган тадқиқотлари ҳамда топилган кулолчилик буюмлари, архитектура иморатларининг қолдиқлари тарихи, ривожи ҳамда аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилади. Шунингдек, Термизнинг мудофаа иниоотлари ҳамда Эски Термиз аҳолисининг моддий-маданий меросини тадқиқ этилиши ҳақида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади. Буюк ипак йўли тарихи ва буддавийлик даври ибодотхоналарини тадқиқ этишида катта ҳисса қўшган таниқли олим фаолияти ҳақида ҳам батафсил ёритилади.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Сока университети,
“Дўстлик” ордени,
Ўрта Осиё, Шўрчи
тумани,
Далварзинтепа,
Қоратепа, Эски
Термиз, Хайбониши
нашириёти, Жанубий
Ўзбекистон
қадимиётлари, Нара
шахри.

КИРИШ. Токионинг Сока университетининг профессори, 94 йил умр кўрган Като Кюдзо ўз тақдирини Ўзбекистонга маҳкам боғлаган. Олим биринчи марта юртимизга 1963 йилда сайёҳ сифатида келган эди. Кейинчалик у мамлакатимиз жанубида, хусусан Шўрчи туманидаги Далварзинтепада олиб борилаётган археологик тадқиқот

ишиларида 6 йил мобайнида (1989 -1994 й.) фаол қатнашди, 1998 йилдан умрининг охиригача яъни 2016 йил сентябригача Эски Термиздаги Коратепа ёдгорлигига археологик тадқиқотлар олиб борди. Ўзбекистонни дунёга, айниқса Японияга танитишга ҳисса қўшган, республикамизнинг “Дўстлик” ордени билан мукофотланган япон олимни Като Кюдзо 1922 йил 18 майда таваллуд топган.

У 1942 йилнинг 1 апрелида Токионинг Жочи университетига ўқишига киради. 1943 йилнинг январида эса, япон армияси сафига чақирилади. 1945 йилнинг марта ҳарбий – сапёрлик(минларни заарсизлантириш) касбини эгаллайди. 1945 йилнинг августида Манчжурияда Квантун армиясининг мағлубияти билан лейтенант унвонида асирга тушади ва 1950 йилгача Сибирда ҳарбий асири сифатида бўлади.

Като Кюдзо кўп синовларни бошидан ўтказиб, илм оламига қадам қўяди. 1951 йилнинг 1 апрелида яна қайта ўша университетга кириб, 1953 йилнинг март ойида шу университетнинг герман филологияси факультетини тамомлайди.

Уруш йиллари, асири тушиб, 5 йил Сибир ўрмонларида ёғоч кесганлари Като ҳаётида катта из қолдирди. У рус тилини ўша ерда ўрганди. Озод бўлгач, университетни тамомлагач газета нашриётларида ишлади (1953 -1972 йилларда Хайбонши нашриётларида, 1973-1975 йилларда Жочи университетида профессор лавозимида). Като домла ҳозиржавоб репортажлар билан асирикдаги йиллари ҳақида кейинчалик "Сибир японликлар нигоҳида" деган китобни рус тилида нашр қиласди. Ўтмишга мурожаат уни олис мозийга етаклади. Тарихни ўрганди, бу соҳа уннинг севимли мавзуси бўлиб қолди. 1983 йилнинг март ойида Осака Давлат университетининг тарих фанлари доктори унвонини олди.

Дунёга машҳур Осака этнология (этнография) музейи билан 14 йиллик илмий ҳамкорлик Катонинг кейинги фаолиятидаги бош йўналишни белгилаб берди.

Осакадаги музейда жами мамлакатларнинг кичик "нусхалари" тўпланган. Масалан, Ўзбекистон ҳақидаги бўлимда росмана ҳовли, барча жиҳозлари - қўқон аравадан тортиб, ток ишкомлари-ю, атлас кўрпа чадан ёргичноққача бор. Буларнинг ҳаммасини Като домла Ўзбекистонга келиб, ўзи танлаб, авайлаб Японияга етказиб борган. Бунақаси дунёning бошқа нуқтасида топилмаса керак.

Професор Като ўша даргоҳда бир неча йил директор муовини бўлиб ҳам ишлади. Раҳбарлик ва илмий изланишлар унга тарих билан янадачуқурроқ танишиш имконини берди. Айниқса, ҳали инсоният тараққиёти такомиллашмаган бир даврда деярли Евросиё қуруқлигини ягона ўқ атрофида бирлаштирган Буюк ипак йўли уни ўзига мафтун этди. Цивилизациянинг бу нодир каашфиётини тўлароқ ўрганишга кириши. 1987 йилда Токиога кўчиб келиб, Сока университетига ишга киради. Бу университетда Буюк ипак йўлининг Ўрта Осиё ҳаётидаги ўрни мавзусига қизиқувчиларни тўплаб махсус тўгарак ташкил этди. Албатта, бундан мақсад фақат илм билан шугулланиш эмас эди, олим ўз юртининг ватанпарвари сифатида Ипак

йўлидан қатновчи карвонлар, умуман, мазкур ҳодисанинг Японияга нечоғлик дахлдорлигини ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Шу боисдан бўлса керак 1988 йили кўп олимлар қатори доктор Катонинг ташаббуси билан "Ипак йўли Нара боради" (Нара -Япониянинг биринчи пойтахти бўлган қадимий шаҳар) деган халқаро кўргазма ташкил қилинди. Нара кўргазмаси мўжизалар мамлакатида мўжиза бўлганди. 200 га. дан кўпроқ майдонни эгаллаган бу томошагоҳга ривожланган 12 та мамлакат қатнашган. Нара халқаро кўргазмаси яна бир воқеа туфайли бизнинг мамлакатимиз Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида эсда қоларли бўлди- Далварзинтепа ва Фаёзтепадан топилган буддавий ҳайкалларнинг энг ноёб нусхаларидан 3 таси у ерда 6 ой мобайнида намойиш қилинди.

Шундай қилиб, бу кўргазма ўзбек - япон илмий ҳамкорлик ишларини бошлаб юборишга имкон яратди ва 1989 йилнинг август ойида профессор Като бошчилигида 8 та япон олими Ўзбекистонга-Далварзинтепага ташриф буюришди. Кейинга йилларда бундай ҳамкорлик янада такрорланди, биргалиқда кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилди.

Като Кюдзо журналист, тадқиқотчи - таржимон сифатида ҳам ўлкамиз тарихи, бугунги кунини тарғиб-ташвиқ қилинда самарали ишлар қилган. Ўзбек олимлари билан ҳамкорликда унинг ташаббуси билан катор китоблар чоп этилди. Биринчиси рус, инглиз ва япон тилларида нашр қилингани 1991 йилнинг Наврӯз байрамида республикамиз Президентига совға қилинган "Жанубий Ўзбекистон қадимияти" деб аталган бўлса, иккинчиси 1996 йилда ўзбек ва япон тилларида нашрдан чиқкан "Далварзинтепа шаҳристони" деб номланади. 2000 йилда эса "Қоратепа қазилмалари" номли асари япон тилида чоп этилди.

Умуман, Като Кюдзо китоб ёзишда ва уни чоп эттиришда жуда катта тажрибага эга. Унинг 1965 йилда чиқкан "Ипак йўли чорраҳаларида", 1974 йилда "Евросиё цивилизациясига саёҳат", 1979 йилда "Ўрта Осиё ёдгорликларига саёҳат", 1984 йилда "Евросиё маданиятидан лавҳалар", 1987 йилда "Шимолий ва Ўрта Осиё тарихи ва маданияти", 1994 йилда "Ўрта Осиёнинг буюк алломалари", 1997 йилда "Марказий Осиёда буддизм тарихи" каби рисолалари ва ниҳоят 2000 йилда япон тилида чоп эттирган "Қоратепа қазилмалари" китоблари бунга мисол бўла олади. 2000 йилдан 2016 йилгача ҳар йили "Ойхонум" номли рисолада япон ва ўзбек археологларининг илмий мақолалари япон ва инглиз тилларида мунтазам чоп этиб борилди.

Като Кюдзо домла яна таржимон сифатида ҳам Л.И.Альбаумнинг "Живопись Афросиаба" (1980 й) ва Б.Я.Ставискийнинг "Искусство Бактрии эпохи Кушан" (1988) китобларини япон тилига афдариб, Токиода чоп эттирди.

Япониялик йирик шарқшунос, археолог ва этнограф олим Като Кюдзо 2016 йил 11 сентябр куни 94 ёшида Термиз шаҳрида вафот этди. Сурхондарё вилоятида олиб борган кўп йиллик археологик тадқиқотлари, Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасида илмий ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантиришда қўшган улкан хизматлари

учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси К.Като хотирасини агадийлаштириш бўйича қарор қабул қилди.

Сурхондарё вилоятидаги Буддавийлик ёдгорликлари ва улардан топилган қадимий ашёлар

Қадимги Ўзбекистон худуди Буюк ипак йўли орқали жаҳон савдо тизимига жалб этилган. Ушбу йўл орқали антик дунё мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон билан фаол савдо, маданий ва дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган. Яна бу даврда Бақтрияга буддавийлик дини кириб келган, буддавийлик бадиий маданияти ривожланган. Бақтрияликлар буддавийликнинг кейинчалик Хитой ва Корея худудида ёйилишида муҳим рол ўйнадилар.

Буддавийлик Сурхондарёнинг қадимги ва илк ўрта асрлари тарихида чуқур из қолдирди. Бу ерда буддавийлик маданиятига оид ёдгорликларни очиш ва ўрганиш, юқори кўринишдаги бадиий асарлар ва буюмларнинг топилгани бундан ёрқин далолат беради. Шуниси эътиборлики, Марказий Осиёда буддавийликнинг энг машҳур қадимги ёдгорликлари айнан Сурхондарёда топилган. Унинг худуди милоднинг I-III асрларида қадимги дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири-Кушон салтанати таркибиға кирган.

Хозир Сурхондарёда ноёб буддавийлик ёдгорликлари – Қоратепа, Фаёзтепадаги ёр ости ва ер усти ибодатхоналари ва монастирлари, Зурмала ступаси, Айритом, Далварзинтепа ва Зартепадаги буддавийлик ибодатхоналари яхши ўрганиб чиқилган. Ушбу ёдгорликларни ўрганиш Марказий Осиёда буддавийлик тарихига ойдинлик киритишибилан бир қаторда, Хитой ва Узок Шарқ ҳудудида мазкур диннинг тарқалишида унинг ўрнини тўлиқроқ тушиниш имконини берди.

Кушон шоҳлари баҳс – мунозаралар уюштирганлар, буддавийлик топиниш иншоотларини қуришга кўмаклашганлар, бунинг учун улар катта миқдорда маблағлар ажратганлар. Кушон шоҳи Канишка даври Бақтрияда буддавийлик энг гуллаб яшнаган давр бўлган.

Марказий Осиёда буддавийлик ва буддавийлик маданиятини ўрганиш 1928 йилда Термиз атрофида жойлашган Зўрмола ёки Каттатепа ёдгорлигини ўрганиш билан бошланган. Сурхондарёдаги археологик топилмалар Термиз шахри Кушон Бақтриясининг энг муҳим ва йирик буддавийлик марказларидан бири бўлган, дейиш имконини беради. Бу ердан ҳозирда 5 та буддавийлик монастри ва 2 та ибодатхона топилган, улар орасида Қоратепа алоҳида ўрин эгаллайди. Қоратепанинг ўзида ўнта ер ости ва ер усти ибодатхона ва маҳобатли монастир бинолари қазиб очилди. Бу ердан топилган моддий-маънавий ва бадиий артефактлар Термиз, Бақтрия ва Марказий Осиёда буддавийлик тарихи учун катта аҳамият касб этиши билан бирга, умумжаҳон будда маданиятига кўшилган улкан ҳисса ҳисобланади.

Термиздаги буддавийлик жамоаси ва буддавийлик институтлари хусусиятини қайта тиклашда Қоратепа ва Фаёзтепада топилган ёзувлар катта аҳамиятга эгадир.

Битикларнинг аксарияти сопол идишлар, асосан чойнак ва кўзаларга қора ранг билан ёзилган. Ёзувларда будда роҳиблари ва ҳадячиларнинг исмлари тилга олинган. Топилмалар орасида хилма – хил сопол буюмлар, идишлар, кўзачалар, чойнаклар, косалар, тогоралар ва шамчироқлар учрайди. Тангалар орқали Қоратепа буддавийлик марказига қачон асос солингани ва қачон таназзулга учраганлигини билиб олиш мумкин.

Термизнинг буддавийликка оид навбатдаги ҳашаматли иншооти Қоратепадан шимолда, шаҳар деворлари ташқарисида жойлашган Фаёзтепадир. Бинонингумумий узунлиги 118 метрга, кенглиги 34 метрга тенг бўлган. Монастир марказий биноси тархи Бақтрия учун хос – ҳовли атрофи бўйлаб хоналар ва айвонлар жойлашган. Бино марказий қисмининг шимолида улкан ҳовлида ступа жойлашган. Ибодатхона айвонининг ушбу қисмида томонлари 6x6,1 м га тенг маҳсус ибодатгоҳ жойлашган. Ибодатгоҳ деворларида қора рангда бўялган мавзули рангтасвир чизилган. Ибодатгоҳда Будда ва бодхисатваларнинг лой – ганчдан ясалган ҳайкаллари ўрнатилган бўлган. Ибодатгоҳ “юраги”, ҳеч шубҳасиз, яхлит оқтошдан тарошланган ва тилла суви юритилган муқаддас бодхи дарахти остидаги Будда, унинг икки томонидан назари “Буюк устозга” қаратилган тик турган роҳиблар тасвири туширилган горельеф тош ҳайкаллар мажмуидир.

Термизнинг буддавийликка оид иншоотлари орасида Эски Термизнинг шарқида жойлашган Зўрмола ступа – иншооти ҳам катта эътиборга лойиқ. Унинг диаметри 14,5 метр ва баландлиги 13 метр бўлган катта цилиндр шаклидаги қолдиқлари ўзининг маҳобати билан кишини хайратга солади. Ёдгорлик яқинида кўплаб тошли оҳактош блоклар, меъморий безак ва рельефларнинг топилганлиги Зурмала ступаси ўз даврида тошли ва рельефли қопламага эга бўлган, деб ҳисоблашга асос бўлади.

Кушон давридаги ғоят муҳим бўлган буддавийлик маркази Сурхондарёнинг ўнг соҳилида, Шўрчи шаҳрининг шимоли – шарқдан 10 километр масофада жойлашган Далварзинтепа ёдгорлигидир. Бу ерда иккита буддавийлик ёдгорлиги – шаҳар ташқарисидаги ва шаҳар марказида жойлашган ибодатхоналар топилган ва қазиб ўрганилган. Шаҳар ташқарисидаги ибодатхонани қазиш давомида маҳобатли Будда ва буддавийлик доҳийлари ва деватлар тасвирланган катта гипс ҳайкаллар гурухи топилди. Улар билан бир қаторда ҳукмдорлар ва уларнинг яқинларини акс эттирувчи ҳайкаллар ҳам топилган. Ҳайкаллар қизил, пушти ва мовий рангларга бўялган.

Шаҳар ибодатхонасидаги марказий зал тўлиқ очиб ўрганилган. Бу ердан топилган ҳайкаллар асосан лойдан ясалган бўлиб, уларнинг усти ганч билан қопланган. Будда вва бодхисатва ҳайкаллари Бақтрияда буддавийлик пайдо бўлишидан олдин Гандхара санъатида шаклланиб улгурган тамойилларга асосланган.

Сурхондарёдаги буддавийлик ҳайкалларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш асносида милоднинг биринчи асрида буддавийлик таълимотининг маҳаллий тарафдорлари орасидан янги таълимотнинг барча қоидаларидан тўлиқ хабардор бўлган ва қўшни

тарихий – маданий минтақалар ҳамда Хитойда миссионерлик қилишга замин ҳозирлаб қўйган билимдонлар етишиб чиққан, деб тахмин қилишга асос бор. Шундай қилиб, Сурхондарё вилояти қадимги Бақтриядаги ва умуман, Марказий Осиёдаги энг йирик буддавийлик ўчоғи сифатида намоён бўлмоқда. Ҳудуддаги Кушон даврига оид барча машҳур буддавийлик иншоотлари ҳам майдони жиҳатидан, ҳам меъморий ечими жиҳатидан Марказий Осиёдаги буддавийлик иншоотларидан улуғвордир. Буддавий ёдгорликлардан топилган бадиий маданият намуналари қадимий Бақтриянинг ривожланган ва ўзига хос бадиий ва маънавий маданиятидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Исаев, С.Эргашева, О.Исаев. IX-XII асрларда Термиз маданияти. 8-бет. Тошкент. Янги аср авлод нашриёти. 2001 йил.
2. А.Исаев, С.Эргашева, О.Исаев. IX-XII асрларда Термиз маданияти. Тошкент. Янги аср авлод нашриёти. 2001 йил.
3. Мирзо. Термиз тарихи. Тошкент.Шарқ нашриёти. 2001 йил.
4. Ш.Пидаев. Қадимий Термиз. Тошкент.Фан нашриёти. 2001 йил.
5. Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий холосалар. Абдулла Қодирий нашриёти. Тошкент 2001.